

**ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДОИРАСИДА МИНТАҚАВИЙ
АКСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ ФАОЛИЯТИ ВА ТРАНСМИЛЛИЙ
ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ ҲАМКОРЛИК МЕХАНИЗМИ**

Жаббаоров Мухриддин

мустақил изланувчи

Аннотация Мақолада Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) доирасида Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) фаолияти ва трансмилий таҳдидларга қарши ҳамкорлик механизмлари таҳлил қилинган. МАТТ аъзо давлатлар ваколатли органлари ўртасида терроризм, экстремизм ва наркотиклар ноқонуний айланмасига қарши мувофиқлаштиришни таъминлайди. Қўшма ўқув машғулотлари, Ягона қидирув реестри ва террорчилик ташкилотлари рўйхати МАТТнинг амалий воситалари сифатида кўриб чиқилган. Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари шароитида ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва хавфсизликни таъминлаш масалалари долзарблигини сақлаб қолаётгани таъкидланган.

Калит сўзлар: ШХТ, Минтақавий аксилтеррор тузилмаси, терроризм, экстремизм, халқаро ҳамкорлик

Annotation. The article analyzes the activities of the Regional Anti-Terrorist Structure (RATS) within the Shanghai Cooperation Organisation (SCO) and its mechanisms for combating transnational threats. RATS coordinates SCO member states' efforts against terrorism, extremism, and illicit drug trafficking. Joint exercises, the Unified Search Registry, and lists of terrorist organizations serve as key practical tools. The study highlights the importance of strengthening cooperation and ensuring security in the context of modern information and communication technologies. The article demonstrates the effectiveness of coordinated SCO actions in mitigating non-traditional security threats.

Keywords: SCO, Regional Anti-Terrorist Structure, terrorism, extremism, international cooperation

КИРИШ Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) аъзолари учун барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашда стратегик аҳамиятга эга. Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) ШХТнинг муҳим ташкилотларидан бири сифатида халқаро терроризм, экстремизм ва наркотиклар ноқонуний айланмасига қарши курашда аъзо давлатларнинг ваколатли органлари ўртасида мувофиқлаштирувчи ролни бажаради. МАТТнинг доимий фаолияти ва қўшма чора-тадбирлари замонавий ахборот-

коммуникация технологиялари шароитида хавфсизликни мустаҳкамлашда аҳамиятлидир.

МАТТнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва мақсадлари. ШХТ доимий фаолият юритувчи органлари қаторида Котибият ва Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) ташкил қилинган. Котибият ташкилотнинг умумий фаолиятини мувофиқлаштирса, МАТТ махсус хавфсизлик ва антитеррор соҳасида аъзо давлатлар ваколатли органлари ўртасида ҳамкорликни таъминлайди.

МАТТнинг ташкилий тузилмаси Кенгаш ва Ижроия қўмитасидан иборат:

1. МАТТ Кенгаши – асосий раҳбар орган бўлиб, тузилманинг вазифалари, йиллик кун тартиби ва режаларини белгилайди.

2. Ижроия қўмитаси – доимий фаолият юритувчи орган бўлиб, терроризм ва экстремизмга қарши курашда ваколатли органлар ўртасида ҳамкорликни таъминлайди, қўшма машғулотлар ўтказди ва ахборот-таҳлилий фаолиятни амалга оширади.

Ижроия қўмитаси директори ШХТ давлат раҳбарлари кенгаши тавсиясига биноан уч йил муддатга тайинланади. МАТТ раҳбарлари ҳақида маълумот²⁰⁶

Давр	Директор Ф.И	Мамлакат
2004 – 2006	Вячеслав Қасымов	Ўзбекистон
2007 – 2009	Мырзакан Субанов	Қирғизистон
2010 – 2012	Дженисбек Джуманбеков	Қирғизистон
2013 – 2015	Чжан Синфэн	Хитой
2016 – 2018	Евгений Сисоев	Россия
2019 – 2021	Жумахон Ғиёсов	Тожикистон
2022 – 2024	Руслан Мирзаев	Ўзбекистон
2025 – ҳозирча	Уларбек Шаршеев	Қирғизистон

МАТТнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- аъзо давлатлар ваколатли органлари ўртасида терроризм ва экстремизмга қарши мувофиқлаштириш;
- антитеррор машғулотлари ва қўшма тадбирларни ўтказиш;
- норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;
- ахборот-таҳлилий фаолиятни ташкил этиш;
- терроризм ва экстремизмга қарши халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

²⁰⁶ https://eng.sectsc.org/towards_HSC/ ШХТ расмий сайти

МАТТнинг амалий воситалари ва механизмлари. МАТТнинг самарали фаолияти асосан қуйидаги воситалар орқали таъминланади:

1. Ягона қидирув реестри – террорчилик, сепаратистик ёки экстремистик жиноятлар билан боғлиқ шахсларни ўз ичига олади. Ҳозирда 6000 нафардан ортиқ шахс рўйхатга олинган.

2. Террорчилик, сепаратистик ва экстремистик ташкилотлар рўйхати – 100дан ортиқ ташкилотни қамраб олади ва аъзо давлатлар ҳудудида уларнинг фаолиятини тақиқлашда хизмат қилади.

3. Қўшма ўқув машғулотлари – глобал тармоқда террорчилик фаолиятига қарши курашиш, кибертерроризмга қарши чоралар ва электрон далилларни тўплаш соҳасида амалий кўникмаларни мустаҳкамлайди.

Ушбу механизмлар орқали МАТТ ШХТ аъзо давлатлари ваколатли органлари ўртасида барқарор ҳамкорликни таъминлайди. Бу ҳамкорлик трансмиллий таҳдидларга қарши самарали чора-тадбирлар амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Ахборот-коммуникация технологиялари ва хавфсизлик. Глобаллашув шароитида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари терроризм ва экстремизм учун янги имкониятлар яратади. Шу боис МАТТ аъзолари ўртасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва мувофиқлаштириш зарур. МАТТнинг бу йўналишдаги фаолияти қуйидагиларни ўз ичига олади:

- халқаро террористик ташкилотларнинг рақамли фаолиятини кузатиш ва таҳлил қилиш;
- электрон далиллар ва криминалистик экспертизаларни йиғиш;
- хавфсизликни таъминлашда қўшма қидирув ва тадбирларни амалга ошириш;
- кибертерроризмга қарши қўшма машғулотлар ва ахборот таҳлили.

ШХТ доирасида замонавий технологиялардан фойдаланиш террористик фаолиятга қарши барқарор механизмларни шакллантиришда аҳамиятлидир.

Халқаро ҳамкорлик ва ШХТнинг стратегик аҳамияти. МАТТ фаолияти нафақат минтақавий, балки глобал хавфсизлик учун ҳам аҳамиятли. ШХТ Бош котиби Чжан Мин таъкидлаганидек, терроризм ва экстремизмга қарши кураш барча мамлакатларнинг ҳамкорлигини талаб қилади. ШХТ доирасида олиб борилаётган қуйидаги чора-тадбирлар унинг стратегик аҳамиятини кучайтиради:

- трансмиллий таҳдидларга қарши қўшма қидирувлар ва тадбирлар;
- қонуний базани такомиллаштириш ва шартномавий муносабатларни ривожлантириш;
- замонавий технологиялар орқали хавфсизликни таъминлаш;
- аъзо давлатлар ваколатли органлари ўртасида самарали мувофиқлаштириш.

Шу билан бирга, МАТТнинг фаолият самараси аъзо давлатларнинг хавфсизликка қарши замонавий таҳдидларга тайёргарлигини мустаҳкамлайди ва ШХТнинг минтақавий стратегик ролига ҳисса қўшади.

Амалий натижалар ва самарадорлик. Ўзбекистон ва бошқа аъзо давлатлар томонидан МАТТ ҳамда ШХТнинг бошқа тузилмалари доирасида олиб борилаётган чора-тадбирлар самарали натижалар бераётгани кузатилмоқда. Шу каби натижалар куйидагиларни ўз ичига олади:

- транснационал терроризм ва экстремизмга қарши барқарор механизмлар шаклланди;
- Ягона қидирув реестри орқали халқаро қидирувга эълон қилинган шахслар аниқланмоқда;
- қўшма машғулотлар орқали кибертерроризм ва электрон таҳдидларга қарши чоралар кучайтирилди;
- халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш имконияти пайдо бўлди.

Шу билан, МАТТ ва ШХТнинг хавфсизлик соҳасидаги фаолияти минтақавий ва глобал миқёсда транснационал таҳдидларга қарши курашда муҳим инструмент сифатида аҳамиятлидир.

МАТТ томонидан шакллантирилган битим ва баёнотлар²⁰⁷

Сана	Хужжат номи ва қисқача изоҳ
2023-йил 4-июл	ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича баёноти – радикализмга қарши сиёсий қарашларни белгилайди.
2017-йил 9-июн	Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг халқаро терроризмга қарши биргаликда курашиш тўғрисидаги баёноти – давлатлар ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган.
2015-йил 10-июл	Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг гиёҳванд моддалар таҳдиди бўйича баёноти – наркотик моддаларга қарши қонунчилик ва хавфсизлик чораларини мустаҳкамлайди.
2010-йил 11-июн	Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳукуматлари орасида жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги битим – қонун бузилишларига қарши

²⁰⁷ https://eng.sectsc.org/towards_HSC/ ШХТ расмий сайти

		биргаликда ҳаракат қилиш механизмлари.
2009-йил июн	16-	Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг терроризмга қарши конвенцияси – терроризмга қарши ҳуқуқий асосларни белгилайди.
2009-йил июн	16-	Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар орасида халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битим – киберхавфсизлик соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлайди.
2008-йил август	28-	Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳукуматлари орасида қурол, ўқ-дори ва портловчи моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги битим – ҳарбий ва портловчи моддаларга чек қўйиш механизмлари.
2004-йил июн	17-	Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар орасида гиёҳванд моддалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги битим – наркотикларга қарши дастлабки ҳамкорлик рамзи.

ХУЛОСА. Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) ШХТ доирасида терроризм ва экстремизмга қарши ҳамкорликни мувофиқлаштиришда марказий роль ўйнайди. Ягона қидирув реестри, террорчилик ташкилотлари рўйхати ва қўшма ўқув машғулотлари орқали МАТТ самарали механизмларни амалга оширади. Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари хавфсизликка янги таҳдидлар солаётган шароитида ШХТ аъзо давлатлари фаолиятининг мувофиқлаштирилган тарзи давлатлараро хавфсизликни мустаҳкамлайди. Шу билан бирга, глобал миқёсда ҳамкорликни кенгайтириш ва самарали чора-тадбирларни жорий қилиш ШХТнинг стратегик аҳамиятини оширади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Рахимов М.А., Рахимов С.А. Ключевые сферы взаимодействия Узбекистана с СНГ и ШОС // Постсоветские исследования. – 2023. – Т. 6, № 3. – С. 300
<https://orcid.org/0000-0001-5414-8498>
2. Alimov R. SHOS: stanovlenie, razvitie, perspektivi. Moskva: Izdatelstvo «Ves mir», 2017.

3. Aris S. The Shanghai Cooperation Organisation: Tackling the Three Evils. A Regional Response to Non-Traditional Security Challenges or an Anti-Western Bloc? Europe-Asia Studies, 2009, vol. 61, no. 3.
4. Klesheva T. Shabhayskaya organizatsiya sotrudnichestva kak osnovnoy organ bor`bi s terrorizmom v stranah ATR. Pravo i politika, 2012, №1.
5. Kushkumbaev S. Rol SHOS v protivodeystvii vizovam i ugrozam bezopasnosti v Sentralnoy Azii. Materila dvenadsatogo zasedaniya foruma SHOS. Tashkent: ISMI, 2018.
6. Porshneva O., Rakhimov M., Razinkov S. Historical and Legal Aspects of the SCO Formation and Institutional Development in Shanghai Cooperation Organization: From Interaction to Integration? Exploring New Horizons. Routledge, 2022. P. 9-24.
7. Rakhimov S. Torgovo-ekonomicheskoe sotrudnichestvo Uzbekistana v ramkakh SNG. Demokratizatsiya i prava cheloveka, 2018, №1 (77).